

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
6 ЖИЛД, 9 СОН

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 6, НОМЕР 9

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH**
VOLUME 6, ISSUE 9



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
д.ю.н., доцент
(Doctor of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала Правовых исследований
Editorial Board Journal of Law research

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
ю. ф. д., проф. Аҳмедшаева Мавлюда
ю. ф. д., проф. Муҳиддинова Фирюза
ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto (Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

ю. ф. д. Гулчехра Маликова
ю. ф. д. Хусанов Озод
ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee (South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юримдик фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Окюлов Омонбой,
Рузиев Рустам, Рузиназаров Шухрат,
Шомухамедова Замира, Баратов
Миродил, Бобокул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юримдик фанлар доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган юрист Эсанова Замира
Нормуродовна, Мамасидиков Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Мехнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна
ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич
ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза
ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб
(Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай
Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади
Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов
Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш
Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич
(Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович,
Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович,
ю.ф.д., проф. Салаев Нодирбек Сапарбаевич
(Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ)
д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон
Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин
(Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей
Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская
Федерация)

**12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи /
Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право /
Criminal law and criminology; Criminally-executive law**

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп
Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда
Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам
Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход,
ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин,

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат
Раҳмаджонович (Республика Таджикистан),
д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна
(Российская Федерация), д.ю.н., проф.
Джансараева Рима Ернатовна (Республика
Казахстан), Кирил (Российская Федерация)

**12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси /
Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal
procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination**

Ю.ф.д., проф. Иноғомжоновна Зумратхон
Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий
Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин,
ю.ф.д., проф. Тўлаганова Гулчехра Заҳитовна,
ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany),
д.ю.н., проф. Стойко Николай Генадьевич
(Российская Федерация), Проф. Рыжаков
Александр Петрович (Российская Федерация),
д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика
Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика
Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика
Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодир,
ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра,
ю.ф.д., проф. Юлдашева Говхержан

Alexander Trunk (Germany)

Мусаҳҳих: Нурмуҳаммад Ҳамидов

Дазайн - саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Кудрявцев Игорь Владимирович ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЕРСТВА МЕЖДУ ГОСУДАРСТВАМИ.....	5
2. Абдуллаева Мафтуна Мурот қизи КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	16
3. Исломқулова Шохсанам Ваҳобжон қизи ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ. ФУҚАРОЛИК ВА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ФАРҚЛАРИ.....	25
4. Хаджаева Саодат Анваровна ЭЛЕКТРОН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	33
5. Шокиров Ойбек Азизжон угли ТРУДОВЫЕ СПОРЫ И ПОРЯДОК ИХ РАЗРЕШЕНИЯ: ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ.....	41
6. Abdusamiyeva Dilrobo Abduvaxob qizi POSTPENITENSIAR RESOTSIALIZATSIYA MAZMUNI VA UNING IJTIMOIIY ZARURATI.....	50
7. Отегенова Луиза Жолдасбаевна ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	57
8. Базарова Дилдора Бахадировна ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИ ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....	65
9. Джураева Захро Тулкуновна ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 76-ЧИ СЕССИЯДАГИ ТАШАББУСЛАРИ.....	73
10. Камиллов Ойбек Хамиджонович ГЛОБАЛЬНЫЕ И РЕГИОНАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБЛАСТИ МИГРАЦИИ, ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ И ИХ ЗНАЧЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОМ СЕГМЕНТЕ.....	80
11. Хамдамова Фируза Уразалиевна, Джураева Захро Тулкуновна ВЫПОЛНЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ИСКОРЕНЕНИЮ БЕДНОСТИ И НИЩЕТЫ.....	89
12. Nosirov Barxayot Murodjonovich ShNT – XALAQARO – HUKUMATLARARO MINTAQAVIY TASHKILOT SIFATIDA: MARKAZIY OSIYODA XAVFSIZLIKNI TA'MINLASHDAGI ROLI.....	96


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.05- ТРУДОВОЕ ПРАВО. ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Хаджаева Саодат Анваровна,
Тошкент давлат юридик университети
етакчи мутахассиси
E-mail: saodatxadjayeva@mail.ru

ЭЛЕКТРОН МЕХНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Khadjaeva Saodat Anvarovna. IMPORTANCE OF ELECTRONIC EMPLOYMENT CONTRACT. Journal of Law Research. 2021, 6 vol., issue 9, pp. 33-40

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2021-9-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада электрон тартибда тузиладиган меҳнат шартномасининг аҳамиятига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллаб, меҳнат шартномасини тузишни электрон тартибда тузишга доир тавсиялар берилган. Шу билан бир қаторда мазкур мақолада бугунги кунда меҳнат шартномаларини электрон шаклда тузиш ва ўтказиш масалалари, унинг афзалликлари очиқ берилган. Ушбу мақолада меҳнат шартномасининг электрон шаклига ўтказиш ва меҳнат шартномаси билан боғлиқ бўлган масалада олимларнинг фикрлари таҳлил этилган.

Калит сўзлари: Меҳнат, шартнома, шакл, электрон, тузиш, ходим, иш берувчи, меҳнат муносабатлари, номуайян, муддат.

Хаджаева Саодат Анваровна,
Ведущий специалист Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: saodatxadjayeva@mail.ru

ВАЖНОСТЬ ЭЛЕКТРОННОГО ТРУДОВОГО ДОГОВОРА

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждены вопросы, касающиеся важности электронного договора, заключаемого в электронном порядке. В статье особое внимание уделено вопросам, связанным со всесторонним раскрытием осуществляемых реформ, совершенствования трудового законодательства, а также выдвинуты предложения по заключению трудового договора в электронном порядке. Вместе с этим, в данной работе раскрыты нынешняя практика заключения и регистрации электронного договора и его преимущества. В настоящей

научной публикации проанализированы мнения учёных по поводу перевода трудового договора в электронную форму и иных вопросов, связанных с трудовым договором.

Ключевые слова: труд, договор, форма, электронный, заключение, работник, работодатель, трудовые отношения, неопределённый, срок.

Khadjaeva Saodat Anvarovna,
 Leading specialist of Tashkent
 State University of Law
 E-mail: saodatxadjaeva@mail.ru

IMPORTANCE OF ELECTRONIC EMPLOYMENT CONTRACT

ANNOTATION

This article discusses issues related to the importance of an electronic contract concluded electronically. In the article, special attention is paid to issues related to the comprehensive disclosure of ongoing reforms, improvement of labor legislation, as well as put forward proposals for concluding an employment contract electronically. At the same time, this work reveals the current practice of concluding and registering an electronic contract and its advantages. In this scientific publication were analyzed opinions of scientists on the translation of an employment contract into electronic form and other issues related to an employment contract.

Keywords: labor, contract, form, electronic, conclusion, employee, employer, labor relations, indefinite, term.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналиши саналади. Давлат ва жамият ҳаётида ислохотларни амалга оширишда аниқ мақсадни белгилаб олиш ва ушбу мақсадни амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар, уларнинг ижро муддатларини аниқ белгилаш ҳамда ҳар бир соҳада инсон ҳуқуқларини олий мавқега эга эканлигини унутмаслик алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз кетганда меҳнат қилиш ҳуқуқи ва уни таъминлаш масаласини четда қолдириб бўлмайди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи Асосий Қонун даражасида мустаҳкамланган бўлиб, инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган энг муҳим ҳуқуқлардан биридир. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқарилишига давлат томонидан кўмаклашиш ҳамда уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ва меҳнат шартномасини тузиш шакли билан боғлиқ ислохотларни амалга ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Айни вақтда амалга оширилаётган ислохотларда ҳам меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллаганлиги, бунда меҳнат шартномасини тузиш қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ҳам эътиборга олинганлиги мавзунинг долзарблигини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли Фармони[1]га асосан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланган бўлиб, унинг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини изчил оширишга қаратилган чора тадбирлар белгиланган. Бунда хусусий секторда муддатли меҳнат шартномаларини тузишни кенгайтириш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Айниқса, фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – бу меҳнат шартномасидир. Бугунги кунда меҳнат шартномасини электрон шаклини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш масаласи энг долзарб

масалалардан бири бўлиб, ушбу жараёнда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш меҳнат қонунчилигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Аммо, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат шартномасини тузиш жараёнида шундай муаммоли вазиятлар вужудга келадигани, уларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бирор-бир нормаси билан тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди.

Айни вақтда амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллагани, бунда меҳнат шартномасини электрон тартибини жорий этиш ва уни тузиш қонунчилигини такомиллаштириш масалалари ҳам эътиборга олинганлиги мавзунинг долзарблигини ташкил этади.

Шулардан келиб чиқиб, меҳнат шартномасини тузишнинг электрон шаклига доир масалаларга тўхталиб ўтамиз.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига кўра, меҳнат шартномалари амалда бўлиши – давом этишига қараб қуйидаги уч турга бўлинади: номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ҳамда муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилган меҳнат шартномаси[2].

Меҳнат шартномаси амал қилиши давом этишига кўра, асосан икки турга бўлинади: муддатли ва муддатсиз турларга бўлинади. Муддатсиз меҳнат шартномалари номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари деб аталиб, улар тузилган пайтдан бошлаб амал қилишни бошлайди. Бундай шартномаларда шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилмайди ва шартнома муддатининг тугаши билан уларни бекор қилиш мумкин эмас. Умумий қоидага кўра, иш берувчилар меҳнат шартномаларини номуайян муддатга тузишлари керак. Фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгандагина, муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Муддатли меҳнат шартномасини тузиш учун асослар Меҳнат кодексининг 76-моддасида белгиланган бўлиб, бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда; корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин[3].

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, бир томондан, ходимлар билан муддатли меҳнат шартномалари тузиш имконияти кўзда тутилган, иккинчи томондан, иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи чекланган. Бундай чеклов муддатли меҳнат шартномасини иш берувчи хоҳлаган вақтда эмас, балки фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда тузиш мумкинлигини билдиради[4].

Ҳозирги даврда муддатли меҳнат шартномаларини тўғри, қонуний ва асосли тузиш ҳамда уни тузиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳам ходимларни, ҳам иш берувчилар – тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини давлат томонидан самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада меҳнат қонунчилигининг ўрни катта.

Бу борада меҳнат шартномасининг шаклига тўхталадиган бўлсак, Меҳнат кодексининг 74-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Шунингдек, ходимнинг талабига кўра меҳнат шартномаси (контракт) у билладиган тилда тузилади ва давлат тилида тузилган шартнома (контракт) билан бир хил кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 82-моддасининг 6-қисмига мувофиқ, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Кўриб турганимиздек, мазкур норма оғзаки шартнома тузилиши мумкинлигини тасдиқламоқда. Аммо, ушбу нормада иш берувчилар томонидан зудлик билан меҳнат шартномасини ёзма тартибда расмийлаштириш шартлиги қонунда мустақамланмаган бўлиб, бугунги меҳнат муносабатларини тартибга солишда техник воситаларидан фойдаланиш, айниқса рақамлаштириш ҳамда электрон тизимга ўтказиш муҳимдир. Бу эса ўз навбатида меҳнат қонунчилигидаги бўшлиқ ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси билан боғлиқ бўлган масалада олимларнинг фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, бундай ҳолатлар бўйича В.Г. Юсупов, К.О. Гушина, А.Л. Анисимовлар куйидагича фикр билдирадилар: “ёзма ҳолда расмийлаштирилмаган меҳнат шартномаси агар ходим иш берувчи ёки унинг вакилининг руҳсати ёхуд топшириғи билан ишга киришган бўлса тузилган ҳисобланади.

Ходим ишга қўйилганида иш берувчи у билан унинг фактик равишда ишга қўйилган кунидан бошлаб уч кун ичида ёзма тартибда меҳнат шартномасини расмийлаштириши шарт”[5].

Бу фикр албатта, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси нормаларидан (РФ МК 67-модда[6]) келиб чиқиб билдирилган. Айрим хорижий мамлакатлардаги (Германия, Франция) меҳнат шартномаси билан боғлиқ масалаларни таҳлил этадиган бўлсак, номуайян муддатга тузиладиган меҳнат шартномаларини оғзаки шаклда тузишга йўл қўйилади[7].

Л.Н.Анисимовнинг фикрича “Меҳнат шартномасининг ёзма шакли устунлиги шундаки, меҳнат шартномасининг барча шартлари ягона ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб қўйилади. Меҳнат шартномасининг ёзма шакли ... тарафлар эришган муҳим шарларининг амалга оширилишини кафолатлари даражасини оширади”[8], Нуртдинова А.Ф., Л.А.Чикановалар фикрига кўра меҳнат шартномасининг ёзма шакли “меҳнат шартномаси аниқлаштиради, меҳнат низоси келиб чиққанда, унинг тезлик билан ҳал этилишига асос бўлади” [9].

Ю.П. Орловскийнинг фикрича, меҳнат шартномасининг ёзма шаклда тузилиши унинг аниқ бўлишини таъминлайди, шу билан бирга агар меҳнат низоси вужудга келадиган бўлса, меҳнат шартномасининг мавжудлиги низони тезроқ ҳал қилинишига сабаб бўлади[10].

М.Ю.Гасанов эса, “Меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш меҳнат низоси вужудга келиши хатарини анча камайтиради, башарти шундай низо юзага келган тақдирда эса, уни объектив ҳал этишда ёрдам беради ва иш бўйича ҳақиқат аниқланишини анча соддалаштиради”[11], деб фикр билдиради.

Бу борада хориж давлатларидаги меҳнат муносабатларини таҳлил этадиган бўлсак, бир қатор Ғарб мамлакатларида давлат хизмати соҳасидаги муносабатлар маъмурий қонунчилик монополиясида қолиб кетган. Қоида тариқасида, Ғарб мамлакатларида давлат хизмати меҳнат қонунчилигидан ташқарида ҳисобланади.

Бу давлат хизмати муносабатларининг конституциявий даражада ташкил этилади ҳамда меҳнат шартномаси билан ҳеч қандай алоқадор бўлмайди. Эътиборли томони ушбу соҳадаги низолар ихтисослаштирилган маъмурий судларда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Бу тартиб меҳнат шартларига асосан давлат хизмати тўғрисидаги қонунлар билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маъмурий тартиб-қоидалар асосида давлат хизматларини тартибга солиш соҳасида хизматчилар меҳнатни тартибга солиш зарурати вужудга келадиганлигини ҳулоса қилиш мумкин.

Бу давлат хизматчиларининг муайян мавқеи, мансабдор шахсларлар ва давлат (“суверен давлат”, “мансабдор шахс - расмий ҳокимият эгаси, давлат агенти”) ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқдир. Бундай қарашлар Германия Федератив Республикасида давлат мансабдор шахслари иши билан боғлиқ қонунга киритилган “расмий” меъёрлар тўплами яъни маъмурий ҳуқуқнинг соҳалари билан белгиланади. Турли тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқий мақомини тартибга солиш тенденциясини кучайтириш билан бир қаторда муайян дифференциялаш шакллари масалан, одатий бўлмаган меҳнат шартномалари (вақтинчалик иш билан банд бўлганлар, уй хизматчилари ва бошқалар) турларини аниқлаштириб олиш зарур.

Олиб борилган қиёсий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, меҳнат қонунчилиги масалалари бўйича иккита халқаро энциклопедик меҳнат ёндашувлари шакллантирилган ва ишлаб чиқилганлиги муҳим ўрин тутди. “Халқаро меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муносабатлари масалалари бўйича энциклопедия”си бош муҳаррири Р.Блэнпейн бир қатор мамлакатларнинг меҳнат қонунлари таҳлилини ўз ичига оладиган тадқиқотлар олиб борганлиги бизга маълум[12].

Мазкур тадқиқот ишининг қимматлилиги давлатлар томонидан тақдим қилинган материаллар асосида таҳлил қилинган таққослаш орқали очиб берилган. Ушбу материалларнинг тузилиши бир хил бўлиб, нафақат меҳнат бозорининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, балки ушбу мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва географик жиҳатлари ҳам кўриб чиқилган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб янги Меҳнат кодексини қабул қилган. Ушбу Кодекснинг лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилотига юборилган ва экспертлар томонидан ижобий баҳо берилган. Меҳнат кодекси қоидаларни ўзида мужассам қилинган қонун ҳужжатлари уни амалиётга жорий этиш тартибини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига киритилган қоидаларнинг аҳамиятли томони шундаки, мазкур қоидаларнинг кўпчилиги кейинчалик МДХнинг турли мамлакатларда қабул қилинган Меҳнат кодексларида ўз аксини топди. Бошқа томондан, йигирма йиллар аввал қабул қилинган ва кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг бир қатор қоидалари бугунги куннинг заруратини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқилиши керак. Меҳнат кодексини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали нафақат унинг ижобий жиҳатларни кўриш мумкин, балки унинг нормаларни янада такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Демак, биринчи навбатда ислохотларни амалга ошириш жараёнини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мавжуд ва амалда қўлланиладиган барча ижобий жиҳатларни ҳисобга олиш керак. Амалдаги қонунчиликда меҳнат муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда, айниқс а меҳнат шартномаси билан боғлиқ масалаларда ўз эътиборимизни қаратишимиз лозим.

Меҳнат кодексига киритилган нормалар меҳнат шартномаси ва ходимнинг иш жойи ва табиатидан қатъи назар барча ходимлар учун амал қилиши керак. Шу билан бир қаторда кодексда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини ўз ичига олиши керак. Ушбу ўзига хос хусусиятларни ўрнатишда қуйидаги иккита омилга: ходим меҳнатнинг ўзига хослиги (вахта асосида ишловчи ходимлар, уй хизматчилари, ўриндошлар ва бошқалар) ёки айрим тоифадаги ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шундай экан, қандай меҳнат шартномаси (номуайян муддатга ёки муддатли, асосий иш бўйича ёки ўриндошлик бўйича, бевосита корхонада ёки ўз уйида ишлаш тўғрисида ва ҳ.к.) тузилаётганидан, ходим қандай ишни бажариш учун ёки қандай лавозимга қабул қилинаётганидан, иш берувчи кимлигидан (корхона, унинг алоҳида таркибий бўлинмаси ёхуд жисмоний шахс), шунингдек ходим ишга кираётган ташкилотнинг мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ҳолларда меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Меҳнат шартномасининг ёзма шаклда тузилиши иш берувчининг ноқонуний ҳаракатларидан янада ҳимояланиш имкониятини оширишга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, меҳнат шарномаси бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга:

биринчидан, меҳнат шартномаси тузилиши натижасида маълум бир меҳнат-ҳуқуқий муносабат пайдо бўлади, меҳнат шартномаси бекор бўлиши билан эса мазкур муносабат яқун топади. Демак, меҳнат шартномаси ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи юридик фактлардан бири ҳисобланар экан.

иккинчидан, меҳнат шартномаси кимлар ўртасида тузилган, яъни қайси ходим ва иш берувчига тааллуқли бўлса, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Демак, меҳнат шартномаси ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи асосий ҳужжат вазифасини бажарар экан.

учинчидан, меҳнат шартномаси меҳнат-ҳуқуқий муносабатларни муддатсиз равишда ҳам ёки маълум бир муддатгача тартибга солиб туриши, тарафлар келишуви билан ўзининг қоидаларини ўзгартириб туриши, шунингдек, юзага келган айрим ҳолатлар туфайли бекор бўлиши ҳам мумкин. Бундан кўришиб турибдики, меҳнат шартномаси фақат тарафларнинг хатти-ҳаракатлари ёки хоҳиш-иродаси туфайли ҳаракатга келиши мумкин экан.

тўртинчидан, меҳнат шартномаси муайян меҳнат шартларни ўз ичига олади ва мазкур шартларни шартнома тарафлари ўзаро келишиб белгилайдилар. Ушбу шартларни ўзгартириш ҳам фақат тарафларнинг келишуви билангина амалга ошиши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

бешинчидан, меҳнат шартномасини бекор бўлиши учун қонун йўл қўйган асосларнинг бўлиши талаб этилади. Демак, меҳнат шартномасини шунчаки, қонунда назарда тутилмаган асослар билан ёки ҳеч қандай асоссиз бекор қилишга йўл қўйилмайди. Бунда ҳам ходим ҳам иш берувчи маълум бир шартларни бажариши талаб этилади. Бу эса, бир тарафдан ходимнинг ҳуқуқларини таъминласа, яъни фуқароларга берилган кафолат бўлса, иккинчи тарафдан иш берувчиларга маъсулият юклайди ва улар томонидан қонун бузилишини олдини олишга имконият яратади.

Хозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, меҳнат шартномасини электрон шаклда тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мазкур масалаларда тегишли ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат дафтарчасини электрон шаклда юритиш тартиби жорий этилиши хусусида турли фикр ва мулоҳазалар юритилмоқда. Бу эса, яқин кунларда меҳнат дафтарчаларини юритиш хусусида миллий қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкинлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, электрон тартибда тузиладиган меҳнат шартномаларининг аҳамияти шундаки, у асосан иш берувчи ҳамда ходимлар масофалардан туриб интернет орқали меҳнат шартномасини тузган ҳолда ўзларининг меҳнат вазифаларини жойида бажара олишлари мумкин бўлади. Бундай турдаги шартномалар мамлакатимиз миқёсида амал қилса, бир вилоятда яшовчи фуқаро иккинчи вилоятда ишлаш имкониятига эга бўлади.

Бунда ходимларнинг ўз уйидан узоққа кетиши шарт бўлмайди, вақтинчалик турар жойда рўйхатдан ўтиш учун ижара шартномаси тузиши талаб этилмайди ва шу каби бошқа қийинчиликларга учрамайди. Айниқса, бирор-бир корхонанинг вакили бўлиб вилоятларда фаолият юритаётган ходимлар меҳнат шартномаси тузиш учун ташкилотнинг асосий офисига бориши шарт бўлмайди. Шу билан бирга, фуқаролар хорижий мамлакатлардаги ташкилотлар билан ҳам меҳнат шартномалари тузиб ўзларининг илмий-ижодий фаолиятларини Ўзбекистон ҳудудида амалга оширишлари мумкин бўлади. Шунингдек, агар меҳнат шартномалари электрон тарзда тузиладиган бўлса, уларни рўйхатдан ўтказувчи ягона автоматлаштирилган миллий ахборот базасини яратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. бундай ҳолатда ходимлар ўзларининг меҳнат шартномалари тўғрисидаги маълумотларни очик-ойдин билишлари мумкин бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, амалиётда электрон шартномаларнинг амал қилиши меҳнат муносабатларига фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларнинг қўлланилишига барҳам бериб, бундай шартномаларни жорий қилиш фақат ижобий натижаларга олиб келади.

Иқтибослар/Сноска/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –

2017. – № 6. – 70-м (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PD-4947 of February 7, 2017 “On the strategy of further development of the Republic of Uzbekistan” // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. - 2017. - № 6. –70- article);
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., “Адолат”. 2019. – Б. 276 (Labor Code of the Republic of Uzbekistan. - Т., “Justice”. 2019. - p. 276);
 3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 76-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 65-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 112-модда, 9-сон, 229-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда, 9-10-сон, 182-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда, 554-модда; 2010 й., 51-сон, 483-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон (Article 76 of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, Annex to No. 1; 1997, No. 2, Article 65; 1998, No. 5-6, Article 102, No. 9, Article 181; 1999, No. 1, Article 20, No. 5, Article 124, Article 112, No. 9, Article 229; 2001, No. 5, Article 89, No. 9-10, Article 182; 2002, No. 1, Article 20, No. 9, Article 165; Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2005, No. 37-38, Article 280; 2009, No. 52, Article 553, Article 554; 2010, No. 51, Article 483; 2012, No. 37, Article 421; 2013, No. 18, Article 233, No. 41, Article 543; 2014, No. 4, Article 45; 2015, No. 33, Article 439; 2016, No. 17, Article 173, No. 52, Article 597; 2017, No. 37, Article 978; National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 05.01.2018, No. 03/18/456/0512; 10.01.2018, No.03/18/459/0536);
 4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 37-38-сон, 280-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда, 554-модда; 2010 й., 51-сон, 483-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон (National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2005, No. 37-38, Article 280; 2009, No. 52, Article 553, Article 554; 2010, No. 51, Article 483; 2012, No. 37, Article 421; 2013, No. 18, Article 233, No. 41, Article 543; 2014, No. 4, Article 45; 2015, No. 33, Article 439; 2016, No. 17, Article 173, No. 52, Article 597; 2017, No. 37, Article 978; National Database of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 05.01.2018, No. 03/18/456/0512; 10.01.2018, No.03/18/459/0536);
 5. Юсупов В.Г. Гушина К.О. Трудовые договоры. Новые требования и возможности. Справочник для работников и работодателей. М.: Омега-Л, 2010. – С. 32. // Анисимов А.Л. Трудовые отношения и трудовые споры. – М.: «Юстицинформ», 2008. – С. 36-37 (Yusupov V.G. Gushina K.O. Labor contracts. New requirements and opportunities. Handbook for workers and employers. М.: Omega-L, 2010. - P. 32. // Anisimov A.L. Labor relations and labor disputes. - М.: “Justicinform”, 2008. - p. 36-37);
 6. “Трудовой кодекс Российской Федерации” от 30.12.2001 N 197-ФЗ (ред. от 03.07.2016) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2017) (“Labor Code of the Russian Federation” dated 30.12.2001 N 197-FZ (as amended on 03.07.2016) (as amended and supplemented, entered into force on 01.01.2017)) http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34683;
 7. Blanpain R. Regulation of Fixed-term Employment contracts: a comparative overview. Great Britain, “Kluwer Law International B1”, 2010. – P. 25-26.
 8. Анисимов Л.Н. Трудовой договор. Трудовые отношения // Трудовое право. 2008. N 4 (Anisimov L.N. Labor contract. Labor relations // Labor law. 2008. N 4);
 9. Орловский Ю.П., Нуртдинова А.Ф., Чиканова Л.А. Комментарий к Трудовому кодексу Российской Федерации (краткий, постатейный). М., 2007. – С. 47-49 (Orlovsky Yu.P.,

- Nurtdinova A.F., Chikanova L.A. Commentary on the Labor Code of the Russian Federation (short, article-by-article). М., 2007 .-- S. 47-49);
10. Орловский Ю.П. Трудовое право России. Учебник для бакалавров. – М.: “Юрайт”, 2014. – С. 366 (Orlovsky Yu.P. Labor law of Russia. Textbook for bachelors. - М .: “Yurayt”, 2014. - P. 366.)
 11. «Kadrlar masalalari bo‘yicha ma'lumotnoma». № 9 (21), 2008. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Меҳнат шартномаси) VI бобига шарҳлар (“Reference on personnel issues”. № 9 (21), 2008. Comments on Chapter VI of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan (Employment Contract));
 12. International Encyclopaedia for Labour Law and Industrial Relations /Ed in chief Prof., Dr. R. Blanpain. -Deventer: Kluwer, 1996.

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ
6 ЖИЛД, 9 СОН**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ
ТОМ 6, НОМЕР 9**

**JOURNAL OF LAW
RESEARCH
VOLUME 6, ISSUE 9**

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000